

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

СОТТИҚУЛОВ ЭЛЁР СОТИМБОЕВИЧ

**ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАР ВА ПОЛИКАРБОКСИЛАТЛАР
АСОСИДА ПОЛИФУНКЦИОНАЛ ҚЎШИМЧАЛАР ОЛИШ, ҲАМДА
УЛАРНИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЕТОН ОЛИШДА ҚЎЛЛАШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Соттиқулов Элёр Сотимбоевич

Техноген чиқиндилар ва поликарбонатлар асосида полифункционал қўшимчалар олиш, ҳамда уларни юқори сифатли бетон олишда қўллаш..... 3

Соттиқулов Элёр Сотимбоевич

Получение полифункциональных добавок на основе техногенных отходов и поликарбонатов, а также их использование для производства высококачественного бетона 29

Sottikulov Elor Sotimboevich

Production of multifunctional additives based on technogenic waste and polycarboxylates, and their use in the production of high-quality concrete..... 55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

СОТТИҚУЛОВ ЭЛЁР СОТИМБОЕВИЧ

**ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАР ВА ПОЛИКАРБОКСИЛАТЛАР
АСОСИДА ПОЛИФУНКЦИОНАЛ ҚЎШИМЧАЛАР ОЛИШ, ҲАМДА
УЛАРНИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЕТОН ОЛИШДА ҚЎЛЛАШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.DSc/T819 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tktiti.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Каримов Масъуд Убайдулла ўгли техника фанлари доктори, профессор
Расмий ошпонентлар:	Ёдгоров Нормухаммад кимё фанлари доктори, профессор Султонов Шавкатжон Абдуллаевич кимё фанлари доктори, доцент Тожиёв Панжи Жовлиевич техника фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01. рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «9» январь соат __09:00__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шуробозор. Тел.: (+99895)144-67-83). E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2024/44 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шуробозор. Тел.: (+99895)144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация автореферати 2024 йил «18» декабрь куни тарқатилди.
(2024 йил «18» декабрдаги № 2024/44 рақамли реестр баённомаси).




А.Т. Джалилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., проф. академик


Ш.Н. Қиёмов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
т.ф.д., к.и.х.


Х.С. Бекназаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда қурилиш материаллари ва қурилиш қоришмаларининг хоссаларини яхшилашда турли кимёвий қўшимчалардан, жумладан, бетон қоришмалари реологиясини яхшилашда пластификаторлардан, ўта юқори мустаҳкамликка эга бетонлар олишда базалт толаларидан, юқори маркали цемент олишда фаол тўлдирувчилардан фойдаланиб келинмоқда. Шунга асосан цемент системалари учун янги, комплекс таъсир қилувчи поликарбонат пластификаторларини, полифункционал фаол органоминерал қўшимчалар, мустаҳкамликка ижобий таъсир этадиган модификацияланган базалт толалари олиш технологиясини ишлаб чиқиш, уларни цемент системалари хоссаларига таъсирини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда қурилиш материаллари мустаҳкамлиги, ишлаш самарадорлиги ва муддатларини ошириш, ушбу қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда саноатнинг табиатга бўлган зарарини камайтиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, янги турдаги поликарбонат пластификаторлар, ушбу турдаги пластификаторларнинг комбинирланган турларини олиш, саноат чиқиндиларини қайта ишлаб, натижада уларнинг табиатга бўлган зарарини минималлаштириш, турли кимёвий қўшимчалар ёрдамида бетон маҳсулотлари мустаҳкамлигини оширишнинг ресурс тежамкор янги технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда инновацион технологияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш саноати ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор берилиб, соҳада муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026-йиллардаги тараққиёт стратегиясида “Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” белгиланган ҳамда “Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технологияларни яратиш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу йўналишда миллий иқтисодиётимизнинг энг етакчи тармоқларини, жумладан, кимё саноатини ривожлантиришга йўналтирилган органик синтез асосида цемент системалари учун янги поликарбонат пластификаторларини ва техноген чиқиндиларни қайта ишлаб, полифункционал қўшимчалар олишнинг юқори самарали, экологик аҳамиятга эга бўлган технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ва 2022-йил 2-декабрдаги ПҚ-436-сонли “Ўзбекистон Республикасини 2030-йилгача “яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

тўғрисида” ги, 2018-йил 17-январдаги ПҚ-3479-сонли “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини талаб қилинадиган маҳсулотлар ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2019-йил 3-апрелдаги ПҚ-4256-сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорларида, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VII-«Кимёвий технология ва нанотехнологиялар», V-«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича саноат чиқиндилари асосида фаол минерал қўшимчалар ва поликарбонат пластификаторлар синтези уларни цемент-бетон қоришмаларида қўллашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг бир қанча етакчи илмий-техник марказларда ва олий ўқув юртларида, жумладан: Массачусет технология институти (АҚШ), Пенсилвания университети (АҚШ), Полимер ва материаллар технологияси маркази – СПМТ (Белгия), Пекин технология институти (Хитой), Сингапур Миллий университети - НУС (Сингапур), Токио университети (Япония), Токио технология институти (Япония), Торонто университети (Канада), Австралия миллий университети (Австралия), Сеул миллий университети (Жанубий Корея), Киото университети (Япония), Баухаус университети ва Мюнхен техника университети (Германия), Венгрия Фанлар академиясининг Кимёвий тадқиқотлар маркази – CRC-HAS, (Венгрия)да олиб борилмоқда.

Поликарбонат пластификаторлари синтези ва қўлланилиши, фаол минерал қўшимчалар олиш ва уларни цемент-бетон қоришмаларида қўллаш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар юзасидан бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: поликарбонат эфирларини экологик самарадор усулда синтез қилиш ва уларнинг цемент зарралари юзаси билан ўзаро физик-кимёвий таъсирлари аниқланган (Массачусет технология институти, АҚШ); поликарбонат пластификаторларининг цементнинг гидратация жараёнига таъсир механизмлари ишлаб чиқилган (Пекин технология институти, Хитой); макромер ва мономерлар асосида экологик самарадор пластификатор ва суперпластификаторлар олинган (Токио университети, Япония); поликарбонат эфирларининг бетондаги микроструктурани мустаҳкамлашдаги самарадорлиги, уларни қўллашда атроф-муҳитга таъсирлари аниқланган (Торонто университети, Канада); фаол

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи www.elsevier.com, www.issuer.rssi.ru, www.eilibrary.com, www.edunews.ru, <https://scholar.google.com/>, www.fundamentalresearch.ru ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

минерал кўшимчаларни поликарбонат пластификаторлар билан биргаликда қўллаш орқали бетоннинг механик хусусиятлари ва узок муддатли барқарорлигини оширишга эришилган ҳамда экологик самарадор таркиблар ишлаб чиқилган (Мюнхен техника университети, Германия); цемент-бетон қоришмаларида қўлаганда сув сарфини камайтирувчи поликарбонат пластификаторлари олинган (Баухаус университети, Германия).

Жаҳонда поликарбонат пластификаторлари синтези ва қўлланилиши, фаол минерал кўшимчалар олиш ва уларни цемент-бетон қоришмаларида қўллаш бўйича қатор устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан: комплекс таъсирга эга поликарбонат эфирлари синтез қилиш, бетоннинг механик хусусиятларини яхшилашга олиб келадиган фаол минерал кўшимчалар олиш, гидратация жараёнини оптималлаштирувчи ва пластификация қуввати юқори бўлган поликарбонат пластификаторлари олиш технологиясини ишлаб чиқиш, бетоннинг деформацион мустаҳкамлигини оширувчи ва унинг узок муддатли барқарорлигини таъминловчи цемент-бетон қоришмалари яратиш, статик ва динамик таъсирларга чидамлик, кимёвий барқарорлик каби техник хусусиятларга эга бўлган бетон қоришмалари яратиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида, поликарбонат пластификаторлари синтези ва қўлланилиши, техноген чиқиндилардан фаол минерал кўшимчалар олиш ва уларни цемент-бетон қоришмаларида қўллаш бўйича кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олимлар бетон ва цементнинг сифатини яхшилаш мақсадида турли поликарбонат эфирларини, улар учун турли мономер ва макромномерларни синтез қилганлар. Хоккайдо университетида (Япония) профессор Suesi Xirata бетон учун поликарбонат эфирлари типидagi пластификаторларни ихтиро қилган. Мюнхен техника университетида (Германия) профессор Дж. Планк ва унинг шогирдлари поликарбонат пластификаторларининг синтези ва цемент зарралари юзасида адсорбцияси устида илмий ишлар олиб борганлар. Jiangsu Votc New Materials Co (Хитой) профессор Qianqian Zhang ва унинг ҳамкасблари томонидан поликарбонат пластификаторларининг цемент бетон қоришмасига ва олинган бетоннинг мустаҳкамлик кўрсаткичларига таъсирлари ўрганилган. Мюнхен техника университетида (Германия) профессор Hans Müller ва Венгрия Фанлар академиясининг Кимёвий тадқиқотлар марказида (Венгрия) доктор Istvan Nagy фаол минерал кўшимчалар билан биргаликда поликарбонат пластификаторларининг қўлланилишини ўрганганлар. Мюнхен техника университетида (Германия) доктор Wolfgang Schmidt поликарбонат пластификаторларини қўллаш орқали экологик самарадорликни ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Республикамизда Джалилов А.Т., Самигов Н. А. Каримов М.У., Камиллов Х.Х., Акрамов Х.А. каби олимлар томонидан бетон қоришмалари учун

поликарбонат асосли пластификаторлар ва бошқа турли қўшимчалар синтези усуллари, ҳамда уларни юқори мустаҳкам бетонлар олишда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Цемент қоришмаларида поликарбонат пластификаторларини қўллаш уларни бетон мустаҳкамлигига таъсирини ва техноген чиқиндилар асосида агрессив муҳитга чидамли мустаҳкам бетонлар олиш, базальт толаларини қўшиб сейсмик мустаҳкам бетонлар олиш ва қўллаш устида чуқур илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан бўғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-201709267 “Маҳаллий хом ашёлар асосида янги геополимерлар яратиш” (2017-2020 йй), КА-14-001 “Маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида комплекс қўшимчалар қўшилган бетондор учун энергияни тежайдиган технологияни яратиш ва тадқиқ қилиш” (2014-2017 йй), И-БТ-2021-66 “Кул-шлак чиқиндиларидан алюмосиликат микросферасини олишнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш” (2020-2022 йй), ИЛ-722209824 “Базальт, металл ва шиша асосида стандартларга мос ҳамда сейсмик мустаҳкамлик конструкциясига эга фибробетон олиш технологиясини яратиш” (2022-2024 йй), мавзулардаги амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади поликарбонат пластификаторларини синтез қилиш, улар ёрдамида техноген чиқиндилардан фаол минерал қўшимчалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва цемент-бетон қоришмаларида қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

поликарбонат пластификаторларини олиш, синтез жараёнларига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, олинган пластификаторларнинг молекуляр тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятларини, ҳамда цемент тизимларига таъсирларини тадқиқ қилиш;

поликарбонат пластификатори синтез жараёнларида реакцияга киришмаган макромонмерлар миқдорини камайтиришнинг мақбул шароитлари ишлаб чиқиш, уларнинг цемент тизимларини пластификациялашдаги самарадорлигига таъсири аниқлаш;

фибробетон учун базальт толаларини модификацияловчи қўшимчалар олиш ва уларни қўллашда толанинг механик хоссаларига, олинган фибробетоннинг мустаҳкамлигига таъсирларини аниқлаш;

техноген чиқиндиларни атроф-муҳитга бўлган зарарини камайтириш мақсадида улардан қурилиш соҳаси учун полифункционал қўшимчалар олиш технологияларини ишлаб чиқиш;

поликарбонат пластификаторлари ва полифункционал қўшимчаларни цемент-бетон қоришмаларига қўлланганда уларнинг физик-кимёвий ҳамда механик хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

техноген чиқиндиларини модификациялаш орқали полифункционал кўшимчалар олиш ва уларни қурилиш саноатида қўллаш ҳамда атроф муҳитга бўлган таъсирини илмий асослаш;

поликарбонат пластификаторлари ва полифункционал кўшимчаларни саноат миқёсида олишда ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш ҳамда экологик самарадор технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг обекти сифатида акрил кислотаси, малеин ангидрид, полиэтиленгликоль, макромономерлар, инициаторлар, 3-меркаптопропион кислотаси, ферросиликамарганец чиқиндиси, микрокремнезем чиқиндиси, кул-шлак чиқиндиси, базалт толаси, поликарбонат пластификаторлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли макромономерлар, акрил кислотаси ва малеин ангидриддан занжир узатгичи иштирокида пластификаторлар синтез қилиш, синтез жараёнларини илмий асослаш, шунингдек, техноген чиқиндиларни фаоллаштириб цемент композицияларида қўллаш, ҳамда цемент системаларига таъсир механизмларини аниқлаш, реологик, мустаҳкамлик кўрсаткичлари, гидратация жараёнларига таъсирларини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида инфрақизил спектроскопия, гел-хроматография, рентген фазовий, сканерловчи электрон микроскопия, лазерли дифракция таҳлиллари каби замонавий физик-кимёвий ва физик-механик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акрил кислотаси ва АПЕГ макромономерлари асосида молекуляр массаси 10000 Да гача бўлган поликарбонат пластификатори синтез қилинган ҳамда жараённинг оптимал шароитлари аниқланган;

акрил кислотаси ва НПЕГ макромономерлари асосида поликарбонат пластификатори синтез жараёнларида реакцияга киришмаган макромономерлар миқдорини камайтиришнинг мақбул шароитлари ишлаб чиқилган;

синтез қилинган пластификаторларни WМСО 2500 мембранаси ёрдамида диализ қилиниши уларнинг цемент тизимларини пластификациялаш самарадорлигига таъсири юқори эканлиги аниқланган;

малеин ангидриди асосида синтез қилинган пластификатор билан модификацияланган базалт толалари бетон тизимларида юқори дисперсликда тарқалиши ва тизимдаги сув сарфини камайтириши аниқланган;

техноген чиқиндиларни кимёвий қайта ишлаш орқали полифункционал кўшимчаларни олиш ва уларни қўллашнинг экологик самарадор технологиялари ишлаб чиқилган;

техноген чиқиндиларни модификациялаб олинган полифункционал кўшимчалар клинкер сарфини қисқартириши ва цемент ишлаб чиқариш жараёнининг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириши илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

акрил кислотаси, макромономерлар асосида экологик ҳамда энергия тежамкор усуллар ёрдамида юқори самарали поликарбонат пластификаторлари олиш технологияси ишлаб чиқилган;

синтез қилинган поликарбонат пластификаторларини цемент системаларида қўлланилганда, ўзининг юқори пластификациялаш, ситемада сув сарфини кескин камайтириш, натижада, олинган маҳсулотнинг юқори мустаҳкамликни намоён қилиши аниқланган;

фибробетон қоришмасининг реологияси ва физик-механик хоссаларининг юқори бўлиши базалт толаларини модификациялашдаги модификатор концентрациясига боғлиқлиги аниқланган;

техноген чиқиндиларни модификациялаш ва поликарбонат пластификаторлари ишлаб чиқариш, улар асосида цемент системалари учун полифункционал қўшимчалар олиш усуллари ишлаб чиқилган;

атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида техноген чиқиндилардан полифункционал қўшимчалар олиниб уларни қўллашдаги экологик самарадорлик ҳисоблаб топилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юқори самарали, физик-кимёвий ва физик-механик усуллардан (ИК-спектроскопияси, дифференциал термик, сканерловчи электрон микроскопия, рентген фазавий, гел-хроматография таҳлиллари) фойдаланилганлиги, ҳамда турли макромономерлар асосида поликарбонат пластификаторлари олинганлиги улар асосида техноген чиқиндиларни фаоллаштириб, цемент системалари учун фаол органоминерал қўшимчалар олиш технологияси ишлаб чиқилганлиги ва унинг саноат-тажриба синовларидан ўтказилганлиги, ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли момномерлар ва макромономерлар асосида поликарбонат пластификаторларини синтез қилиш усулларини аниқланганлиги, фаол органоминерал қўшимчалар олишда фаоллаштириш жараёнининг илмий асосланганлиги, шу билан бирга, илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш натижасида такомиллаштирилган, полифункционал қўшимчалар олишнинг илмий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти техноген чиқиндиларни қайта ишлаб қурилиш саноати учун хомашё олиш ва клинкер ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга чиқадиган зарарли газлар миқдорини камайтириш, цемент системалари учун олинган поликарбонат пластификаторлар ва полифункционал қўшимчаларни цемент системаларининг реологик, мустаҳкамлик хоссаларини оширувчи қўшимчалар сифатида фойдаланишнинг амалиётга жорий қилинганлиги, шу билан бирга, қурилиш саноатининг кўплаб соҳаларида қўлланиладиган қўшимчаларни ишлаб чиқилган технологик схемага мувофиқ, саноат миқёсида ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Техноген чиқиндилар ва поликарбонатлар асосида полифункционал қўшимчалар олиш, ҳамда

уларни юқори сифатли бетон олишда қўллаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

олинган ПКАН-55 пластификатори бетон қоришмаларининг реологиясини яхшиловчи пластификатор қўшимчаси сифатида “NURA-HIGH-TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси қошидаги “NURAMEMOR” МЧЖ корхонасида юқори кучланишли трансформаторлар майдонлари ва асос қисмларини бетонлашда амалиётга жорий қилинган (“NURA-HIGH-TECHNOLOGIES” МЧЖ ҚҚнинг 2024 йил 13 сентябрдаги 45-сон маълумотномаси). Натижада, цемент миқдори ортмаган ҳолда юқори мустаҳкамликдаги монолит бетонлар олиш имконини берган;

ПКАМП-14 пластификаторини “ROCKFIBER” қўшма корхонасида фибробетон қоришмасида толанинг дисперслигини ошириш учун базалт толаларига ишлов беришда амалиётга жорий қилинган (“GOLDFIBER PRO” қўшма корхонасининг 2024-йил 28-августдаги 85-сон маълумотномаси). Натижада, бетон тизимлари учун қўлланадиган базалт толалари ишлаб чиқариш имконини берган;

техноген чиқиндилардан олинган алюмосиликат микросфералари иссиқликдан ҳимояловчи оловбардош қопламалар олишда зичликни камайтирувчи қўшимча сифатида “SEVEN SYSTEMS” масъулияти чекланган жамиятида амалиётга жорий қилинган (“Фавкулотда вазиятлар вазирлигининг 2024-йил 2-октябрдаги 5/4/38-3179-сонли маълумотномаси). Натижада, оловбардош қурилиш қопламасини зичлигини ва иссиқлик ўтказувчанлигини камайтириш имконини берган;

микрокремнезём чиқиндисини фаоллаштириб цемент учун полифункционал қўшимчалар олиш технологияси “DIASINVEST” масъулияти чекланган жамиятида амалиётга жорий қилинган. (“O‘zbekiston qurilish materiallari sanoati korxonalarini uyushmasi” ning 2024 йил 18-октябрдаги 02/15-3077-сон маълумотномаси). Натижада, майдалаш (помол) вақти 12% га қисқариб, олинган цементнинг сув/цемент нисбати камайган ва мустаҳкамлигини 321,12 кг/см² дан 453,18 кг/см² гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Иш натижалари 16 та, жумладан 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан 2 та монография Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик (DSc) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган нашрларда 12 та мақола, жумладан 6 та республика ва 6 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 195 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги, аҳамияти, унинг мақсади ва вазифалари баён қилинган, унинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Поликарбонат пластификаторлари, фаол минерал қўшимчалар ҳамда уларнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда қўлланилиши”** мавзусидаги биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар ҳақида умумий маълумот берилган, поликарбонат пластификаторларининг турли синтез усуллари, қўлланилишдаги афзалликлари ва уларнинг ютуқ ва камчиликлари тавсифланган, улардан самарали фойдаланиш усуллари бўйича маълумотлар тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот учун олинган материаллар, поликарбонатлар синтези ва полифункционал қўшимчалар олиш”** деб номланган иккинчи бобида тажриба қисм берилган бўлиб, унда ишлатилган реактивлар ва хомашёларнинг хусусиятлари, танланган тадқиқот усуллариининг зарурати, кимёвий ўзгаришларни амалга ошириш усуллари, поликарбонат пластификаторларининг синтези ҳамда техноген чиқиндиларни фаоллаштириб, полифункционал қўшимчалар олиш усуллари ва синтез қилинган пластификаторларнинг физик-кимёвий хусусиятлари келтирилган.


ПКАН-55 пластификатори синтез жараёнида тўрт қисмдан иборат таркиб тайёрланди, дистилланган сув, НПЭГ макромонмери, акрил кислотаси, 3-меркаптопропион кислотаси полипропилендан тайёрланган идишга солиниб аралаштирилади (эритма-а, 1 қисм), (1-жадвал). 5 кг миқдорда дистилланган сувда 0,132 кг инициатор алоҳида сиғимда эритиб олинди (эритма-б, 1 қисм учун), натрий персульфати, аммоний персульфати ёки калий персульфатидан инициатор сифатида фойдаланилади.

1-жадвал


ПКАН-55 пластификатор синтези учун реагентлар миқдори

№	Реагентлар	Миқдор (кг)
Эритма-а (қисм 1,2,3,4)		
1	Сув	6
2	НПЭГ	15
3	Акрил кислотаси	0,9
4	2-меркаптопропион кислота, 95% ли	0,125
Эритма-б		
5	Калий персульфати, $\geq 99\%$	0,132
6	Сув	5

Синтез жараёнида ҳар бир қисмлар сони ва оралиғидаги вақт реакция жараёни ва олинган маҳсулотга қандай таъсир қилишини ўрганиш мақсадида қисмлар орасидаги вақт турлича қилиб синтез жараёнлари олиб борилди. Олинган натижалар қуйида график кўринишида 1-А, 1-Б-расмларда ифодаланган.




А




Б

1-расм. Реакция ҳарорати 70°C бўлганда қисмлар сони ва қисимлар оралиғидаги вақтнинг қолдиқ реагентлар миқдорига таъсири

Юқорида келтирилган 1-А- ва 1-Б-расмлардаги графикларда макро-мономер ва мономер АКнинг 70°C ҳароратларда қолдиқ реагентлар фоизлари ва қисм сони бўйича ўзгариши ифодаланган. 70°C ҳароратда қолдиқ макро-мономер реагентларни 1 қисмда қўшилганда 25%, 4 қисмда эса 4% бўлган ва 5 қисмда ҳам 4% бўлиб қолган. Мономер АК учун эса қолдиқ реагентлар 1 қисмда 16%, 4 қисмда АК тўлиқ реакцияга киришиб, 0% га тушган ва 5 қисмда ҳам 0%. Демак, 70°C ҳароратда, мономер АКнинг 4 қисмда энг самарали натижага эришгани кўриниб турибди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳарорат ва қисм сони қолдиқ реагентлар миқдорига катта таъсир кўрсатади. 70°C ҳароратда 4 қисмда энг яхши натижага эришилади, яъни қолдиқ реагентлар миқдори АК учун 0% бўлади, реакцияга киришмаган макро-мономер эса 4%.



2-расм. ПКАН-55 пластификаторнинг ИК спектри.




3-расм. ПКАН-55 пластификаторнинг молекуляр масса бўйича тақсимоти.


2-расмдаги акрил кислотаси ва НПЭГ-2400 реакцияси натижасида олинган маҳсулот сувли эритмасининг ИҚ-спектрида куйидаги характерли соҳалар: тўлқин ютилиши 1417 см^{-1} ва 1247 см^{-1} оралиқда кузатилган қисми CH_2 гуруҳининг деформацион тебранишларига ишора қилади, $1247\text{-}1085\text{ см}^{-1}$ соҳаларидаги ютилиш чуққилари эса C-O боғларини ифодалайди. 1000 см^{-1} дан паст бўлган, масалан, 947 см^{-1} ва 603 см^{-1} атрофидаги соҳалар C-H ва C-O деформацион тебранишларига ишора қилади. Олинган маҳсулот ИҚ-спектрида акрил кислотасидаги асосий ютилиш соҳалари 1647 см^{-1} ва 840 см^{-1} атрофидаги соҳа C=C қўшбоғига тегишли бўлган ютилиш соҳаларини йўқолиши ёки интенсивлигининг кескин тушиши реакциянинг сополимерланиш жараёни механизми тартибида амалга ошганлигидан далолат беради.

Келтирилган 3-расмдаги хроматограммада иккита асосий ажралиш соҳаси кўзга ташланади, бири $6,3$ кДа молекуляр массали таркиб, иккинчиси $2,8$ кДа молекуляр массада бўлган қисм. $6,3$ кДа молекуляр массали соҳа $10\text{-}13$ дақиқалар оралиғида пайдо бўлган ва бу юқори молекуляр бирикмаларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу, акрил кислотаси ва НПЭГ-2400 ўртасидаги реакция натижасида сополимерлар ҳосил бўлишини ифодалайди. $2,8$ кДа молекуляр массали иккинчи соҳа $14\text{-}15$ дақиқалар оралиғида пайдо бўлиб, кичик молекулалар ёки олигомерларнинг мавжудлигини кўрсатади. Таҳлил учун олинган таркибда 4 -қисм вақти 25 дақиқани ташкил этган. Реакцияда $6,3$ кДа молекуляр массали қисми 82% , $2,8$ кДа молекуляр массали қисми эса ва бошқа қисмлар 18% массани ташкил қилмоқда.

АК ва НПЭГ-2400 иштирокида ПКАН-55 пластификатори синтез механизми куйида келтирилган.



4-расмда ферросиликомарганец чиқиндисини синтез қилинган ПКАН-55 поликарбонат пластификатори билан фаоллаштирилгандан кейинги ҳосил бўлган маҳсулотнинг рентгенограммаси келтирилган (4-расм). Фаоллаштириш жараёнида ферросиликомарганец чиқиндиси ва синтез қилинган ПКАН-55 пластификатори куруқ қолдиқ ҳисобида $42,3:1$ нисбатда фойдаланилган. Ҳисоб-китоб қилишда чиқинди таркибидаги намлик масса ҳисобидан чиқарилган.




4-расм. Ферросиликомарганец чиқиндисини фаоллаштиришдан кейинги рентгенограммаси

4-расмда келтирилган ферросиликомарганец чиқиндисини фаоллаштиришдан кейинги рентгенограммаси таҳлилига кўра фаоллаштириш жараёнидан кейин сезиларли масофага ўзгариб 4,600 Å ни намоеън қилди. Фаоллаштирилмаган ферросиликомарганец чиқиндисини рентгенограммадаги бошқа соҳаларга тегишли юзалар орасидаги масофалар: 3,346 Å, 3,031 Å, 2,536 Å, бу асосан аморф ҳолатдаги кремний оксидига ва унинг қисман гидратланган боғланишларига тегишли бўлиб, фаоллаштириш жараёнидан кейин унча катта бўлмаган масофага ўзгармоқда. Жумладан: 3,346 Å – 3,331 Å га, 3,031 Å – 3,022 Å га, 2,536 Å - 3,545 Å га силжимокда. Бундан ташқари ушбу масофалар орасида янги ўртача интенсивликдаги соҳа, юзалар орасидаги масофа 3,808 Å диффракция юзага келмоқда. Ушбу диффракция характеристикалари кремний оксидининг полиморфи ҳисобланган тридимидга тегишли, тридимид кремнийнинг бир неча полиморфларидан бири бўлиб, кварц ва кристобалит билан бир қаторда учрайди.

Бундан ташқари диффракция бурчаги 15 дан кам соҳаларда янги соҳалар унча катта бўлмаган ўз интенсивлигини намоеън қилмоқда. Улар, 6,742 Å, 7,609 Å, 12,71 Å диффракциялар родонит яъни $MnO \cdot SiO_2$ минерал кристаллининг турли томонлари узунлигига тегишли ўлчамларни билдиради ва родонитга тегишли диффракцияни характерлайди.

Олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаш ва изоҳлаш мақсадида ферросиликомарганец чиқиндисини ва фаоллаштирилгандан кейинги маҳсулот сканерловчи электрон микроскопия усулида ўрганилди.




А

Б


В

5-расм. ПКАН-55 пластификатори билан фаоллаштирилган ферросиликомарганец чиқиндисининг СЭМ тасвирлари

5-расмда поликарбонат пластификатори билан фаоллаштирилган ферросиликомарганец чиқиндисининг СЭМ тасвирларидан кўриниб турибдики, фаоллаштирилган ферросиликомарганец чиқиндиси таркибидаги шар (сферик) шаклдаги массалар камайиб турли кристалл ҳолатига ўтганлигини кузатиш мумкин.




6-расм. Фаоллаштирилмаган ферросиликомарганец (МК) чиқиндисининг зарралар ўлчами ва тақсимоти



7-расм. Фаоллаштирилган ферросиликомарганец (МК-Ф) чиқиндисининг зарралар ўлчами ва тақсимоти

Энг юқори лазер диффракцияси 13,5%, интенсивлиги 88% ни ташкил қилиб, зарралар ўлчамлари асосан 2 мкм катталиқкача, яъни 53,5% дан ортиқроқ қисмини ташкил қилмоқда. 100-200 мкм оралиғидаги зарралар миқдори 4,87% ни ташкил қилмоқда (6-расм). Фаоллаштирилган ферросиликомарганец чиқиндиси (МК-Ф) зарралари ўлчамлари 2 мкм катталиқкача бўлган қисми 35,11% ни ташкил қилмоқда, 100-200 мкм оралиғидаги зарралар миқдори 32,39% ни ташкил қилди (7-расм). Фаоллаштириш жараёнида олинган пластификатор таъсирида ферросиликомарганец чиқиндиси тузилишида ўзгариш юзага келиб, кристаллик хоссалари ортмоқда.



8-расм. МК ва МК-Ф маҳсулотининг ИҚ-спектрлари


8-расмдан кўриниб турибдики, фаоллаштиришдан олдинги микрокремнеземнинг ИҚ-спектрида (кўк рангли (1)) асосий соҳалар 2893.37 cm^{-1} (C-H), 1342.46 cm^{-1} (C-H деформацияси), 1003.85 cm^{-1} (Si-O-Si боғлари) ва 827.15 cm^{-1} ҳамда 657.73 cm^{-1} (кремний оксиди тузилиши) оралиғида жойлашган. Фаоллаштиришдан кейинги микрокремнеземнинг ИҚ-спектрида

(яшил рангли (2)) 2893.37 см^{-1} (C-H ва C=O боғлари), 1730 см^{-1} (C=O боғларининг тебранишлари), 1342.46 см^{-1} (C-H боғларининг тебранишлари), 1028.06 см^{-1} ва 1003.85 см^{-1} (Si-O-Si ва Si-OH боғлари) ҳамда 827.15 см^{-1} ва 657.73 см^{-1} (кремний оксиди тузилиши) соҳалари кўзга ташланади. Бу ўзгаришлар поликарбонат эфирининг микрокремнезем билан ўзаро таъсири натижасидаги структура ўзгаришлари юзага келганлигини кўрсатади.

Бундан келиб чиқадики, ўтказилган тажрибалар барчаси бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб умумийликни ифодалайди ва бир-биридан олинган маълумотларни тасдиқлайди. Бу эса фаоллаштириш жараёнидан кейин цемент саноатида қўллашда бетон мустаҳкамлигини оширишини илмий осослаш имконини беради.

Диссертациянинг **“Синтез қилинган пластификаторларни цемент системаларида қўллаш асослари”** деб номланган учинчи бобида олинган пластификаторларнинг цемент тизимларида қўлланилганда юзага келадиган физик-кимёвий жараёнлар, пластификаторларни қўллашдаги оптимал миқдорлар ва уларнинг цемент тизимлари хоссаларига таъсирлари ва улардан юқори сифатли бетонлар олишда кенг миққийёсда қўллаш имкониятлари физик-кимёвий ҳамда физик-механик усуллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Цемент зарралари юзаси ва ПКАА-40 суперпластификатори ўртасидаги ўзаро таъсир механизмларини чуқурроқ англаш мақсадида, акрил кислотаси ва аллилметоксиполиэтиленгликоль асосида синтез қилинган суперпластификаторнинг турли концентрацияларида цемент зарралари юзасига адсорбцияланган ҳолда дзета-потенциаллари ДТ-310 (Dispersion Technology Inc., Bedford-Xillz, NY, USA) қурилмасида таҳлил қилинди. Бунда SEM I 42.5Н маркали цементга пластификатор қўшилган ҳолда сув/цемент нисбати 0,51 бўлганда амалга оширилди. Олинган натижалар қуйидаги 9-расмдаги графикда келтирилди.




9-расм. SEM I 42.5Н маркали цемент зарралари билан ПКАА-40 пластификатори ўртасидаги ўзаро таъсири


Намуна суспензиясига қўшилаётган 2,2% ли суперпластификатор эритмаси миқдори 4,287 граммга етганда, суспенцияда дзета-потенциал

кўрсаткичи $-1,4 \text{ mV}$ ни ташкил қилди. Юборилаётган эритма миқдори $17,143$ граммга етганда дзета-потенциал кўрсаткичи $-1,7 \text{ mV}$ ни ташкил қилди. Бу жараён таҳлилнинг 27-дақиқасида юз берди. Шундан кейин, суспензия таркибида суперпластификатор миқдорининг ортиши дзета-потенциал кўрсаткичига сезиларли таъсир кўрсатмади. Демак, $2,2\%$ ли $17,143$ грамм пластификатор таркибида $0,377$ грамм (қуруқ қолдиқ ҳисобида) пластификатор мавжуд. Бундан келиб чиқадики, синтез қилинган суперпластификатор цемент массасига нисбатан $0,57\%$ миқдорда қўшилганда энг юқори самарани беради.

Синтез қилинган ПКАН-55 пластификаторни реакцияга киришмаган макромономердан тозалаш олинмаган пластификаторнинг натижадорлигига ўз таъсирини ўтказди. Бунда реакцияга киришмаган макромономерлар миқдори пластификатор қуруқ қолдиқ миқдorigа ҳам таъсир этиши ва қўллаш жараёнида пластификатор сарфини ошириб, пластификатор миқдорининг маълум даражасига етганда цемент ҳамирини ёйилувчанлигига салбий таъсир этиши аниқланди. Тадқиқотларда қолдиқ мономерларни аниқлаш ишлари ҳар бир синтез маҳсулотларини ўтказувчанлиги 1000 дальтон WMCO 1000 ва 2500 дальтон WMCO 2500 бўлган диализ қопчаларида дистилланган сувда икки карра диализ қилиш ва қуруқ қолдиқ миқдорини аниқлаш билан амалга оширилди. 10-расмда келтирилган графикда турли концентрациялардаги диализдан олдинги ҳамда кейинги пластификатор миқдorigа цемент ҳамирининг ёйилиш ўлчамлари кўрсатилган. Тадқиқот жараёнида ўлчамлари: юқори кесим диаметри 21 мм , остки диаметри 40 мм , баландлиги 58 мм бўлган кесик конусдан фойдаланилди.



10-расм. Пластификатор миқдорининг цемент ҳамирини ёйилувчанлигига боғлиқлик графиги.



11-расм. Синтез қилинган ПКАН-55 пластификаторнинг сув/цемент нисбатига боғлиқлиги.

Тадқиқотлар $0,38$ сув/цемент нисбатида олиб борилди. Пластификатор миқдори цемент массасига нисбатан қуруқ қолдиқ ҳисобида олинди.

Диализ қилинмаган пластификатор миқдорининг ошиши билан цемент ҳамирининг ёйилиш қобилияти сезиларли даражада яхшилангани кузатилди. Назорат намунаси учун ёйилиш миқдори 6 см бўлган. Диализ қилинмаган пластификатор миқдори $0,023\%$ бўлганида ёйилишнинг кўндаланг кесими $7,2 \text{ см}$ га, $0,05\%$ миқдorigа эса 9 см га етган. Миқдор $0,1\%$ га етказилганда ёйилиш 11 см ни ташкил этган, бу эса назорат намунасига нисбатан $83,33\%$

ошганлигини кўрсатади. Энг юқори миқдор (0,50%) да эса ёйилиш миқдори 15,8 см ни ташкил этган, бу эса 163,33% ошганлигини билдиради.

Диализдан кейинги пластификатор ҳам шунга ўхшаш таъсир кўрсатган, ammo янада самарали бўлган. Пластификатор миқдори 0,023% бўлганида ёйилиш диаметри 8 см га, 0,05% миқдорида эса 9,2 см га етган. 0,1% миқдорида ёйилиш 11,3 см ни ташкил этган, бу эса назорат намунасига нисбатан 88,33% ошганлигини кўрсатади. Энг юқори миқдор (0,50%) да эса ёйилиш миқдори 19,5 см ни ташкил этган, бу эса 225% ошганлигини билдиради.

11-расмда келтирилган графикда кўшимча миқдорининг 0,2% ва 0,3% бўлган ҳолда сув-цемент нисбати (W/C) ва оқувчанлик (см) ўртасидаги боғлиқлик аниқ кўрсатилган. Сув/цемент нисбати камайиши билан оқувчанлик ҳар икки ҳолда ҳам камайиши кузатилади. 0,2% кўшимча кўшилганда, W/C 0,38 дан 0,28,5 гача камайтириш имконини берган ва оқувчанлик 15,5 см дан 6 см гача камайдган. Бу кўшимча миқдори оқувчанликни яхшилашда самарали эканлигини кўрсатади, лекин W/C миқдори камайиши билан оқувчанликнинг кескин камайиши кузатилади. 0,3% кўшимча кўшилганда эса, W/C 0,38 дан 0,27 гача тушириш имконини берган, оқувчанлик 17,5 см дан 6 см гача тушган. Бу кўшимча миқдори юқори бўлган ҳолда оқувчанлик кўпроқ сақланиб қолишини кўрсатади. Пластификатор миқдори 0,3% бўлганда цемент системасида сув сарфи қанчага камайишини аниқлаш учун, керакли ҳисоблашларни амалга оширилганда, кўшимча миқдори 0,3% бўлганда сув сарфи 29% га камайиши аниқланди.

Синтез қилинган ПКАМП-14 пластификатор базалт толасини модификациялашда модификатор сифатида қўлланилган. Базалт толаси ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида базалт толаси модификацияси амалга оширилди. Толани олиш ва қайта ишлаш босқичида базалт толаси акрил кислотаси, малеин ангидрид ва полиэтиленгликоль макромномерини асосидаги модификатор эритмасининг турли концентрациялари (1%, 5%, 10%, 15%) билан ишлов берилди.

Олинган натижаларни солиштириш ва модификаторнинг оптимал концентрациясини аниқлаш маълумотлари 2-жадвалда келтирилган. Толаларнинг мустаҳкамлик хусусиятларини аниқлаш 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Базалт толасини мустаҳкамлигини модификатор концентрациясига боғлиқлиги

Номланиши	Узилишдаги мустаҳкамлик, Н	Нисбий чўзилиш, %	Махсус узилишдаги мустаҳкамлик, мН/тех	Эластик модул, Н/тех
1-Намуна (1%)	135,8	2,3	374,1	17
2-Намуна (5%)	152,7	2,3	420,8	23
3-Намуна (10%)	198,5	3,2	556,9	23
4-намуна (15%)	205,3	2,8	565,7	20

Синов натижаларига кўра, 10% модификатор билан ишлов берилган базальт толалари энг яхши кўрсаткичларга эга бўлди: нисбий узайиш 3,2%, эластиклик модули 23 Н/тех, узилишдаги мустаҳкамлик 198,5 Н.

ПКАМП-14 билан модификацияланган базальт толалари В30 маркали бетон қоришмаси таркибига қўшилганда энг юқори мустаҳкамлик қийматлари 20 мм узунликдаги толали намуналар учун, айниқса 1% ва 1,5% миқдорда қўшилган намуналарда намоён бўлди.

3-жадвал

Модификацияланган базальт толаси билан микроармиланган бетон намуналарининг мустаҳкамликлари (В30 (III серия)).

Бетон синфи	Тола узунлиги, мм	Намуналарнинг ёши, кунлар	0,5%	1,0%	1,5%
			Мустаҳкамлик, МПа	Мустаҳкамлик, МПа	Мустаҳкамлик, МПа
В30 (III серия)	10 мм	7	33,4	35,5	35,9
		28	44,3	46,4	46,8
	12 мм	7	33,5	35,6	36,7
		28	44,8	46,9	47,9
	15 мм	7	33,9	35,9	38,2
		28	45,2	46,3	47,7
	20 мм	7	34,2	37,3	38,5
		28	45,6	47,6	49,8

3-жадвалда кўрсатилганидек, цемент массасига нисбатан 1,5% улушда базальт толаларини ишлатиш бетоннинг мустаҳкамлигини сезиларли даражада оширишга олиб келади. Максимал мустаҳкамлик қийматлари (28 кундан кейин 49,8 МПа гача) 20 мм узунликдаги толали намуналар учун кайд этилди. Тола узунлигини ва миқдорини ортиши олинадиган фибробетон қоришмаси реологиясига сальбий таъсир этади.

Диссертациянинг “Техноген чиқиндиларни фаоллаштириш ва цемент тизимлари учун полифункционал қўшимчалар сифатида қўллаш” деб номланган тўртинчи бобида техноген чиқиндиларни турли кимёвий фаоллаштириш усуллари билан қурилиш соҳасида қўллаш орқали уларни атроф-муҳитга зарарли таъсирларини камайтириш борасида олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари берилган.

Цемент намуналари олишда полифункционал қўшимча клинкер ҳисобидан умумий массанинг 10% миқдорида қўшилган. Олинган натижалар қуйидаги 4-жадвалда келтирилди.

4-жадвал

МК ва МК-Ф қўшиб олинган цемент намуналарининг хоссалари

№	Намуна тури	Сув/цемент нисбати	Цемент маркаси
1.	Назорат намуна	0,4	400
2.	Клинкер+гипс+МК-Ф	0,35	500
3.	Клинкер+гипс+МК	0,35	450

МК-Ф қўшимчасини таъсирини ўрганиш учун модификацияланган цемент намуналарини мустаҳкамлик кўрсаткичлари кунлар кесимида синовдан ўтказилди ва таҳлил қилинди. Олинган натижалар қуйидаги 5-жадвалда рақамлар кўринишида ифодаланди.

**Модификацияланмаган ва модификацияланган цемент тоши намуналарини
мустаҳкамлик кўрсаткичлари**

№	Қўшимча миқдори, %		Мустаҳкамлик, МПа					
			3 кун		7 кун		28 кун	
			Р _{Эгил}	Р _{Сик}	Р _{Эгил}	Р _{Сик}	Р _{Эгил}	Р _{Сик}
1.	-	0	3,6	12,3	4,9	21,4	5,8	41,3
2.	МК-Ф	10	8,1	27,4	11,5	37,4	13,8	68,7
3.	МК	10	3,4	13,8	6,9	26,6	8,9	42,5

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки, модификацияланмаган цемент намунасининг 28 суткадан кейинги эгилишдаги мустаҳкамлиги 5,8 МПа, сиқилишда эса 41,3 МПа ташкил этди. 10% МК-Ф қўшилган цемент намунасида эса эгилишда 13,8 МПа ва сиқилишда 68,7 МПа кўрсаткичга эришилди. Шунингдек, 10% МК билан модификацияланган цемент намунасининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари эгилишда 8,9 МПа ва сиқилишда 42,5 МПа ни ташкил этди. Натижалар шундан далолат берадики, МК билан модификация қилинган цементнинг мустаҳкамлиги ортади, МК-Ф билан модификация қилинган цемент эса модификацияланмаган цементга нисбатан қарийб 40% га юқори мустаҳкамликка эга.

МК-Ф кўп полифункционал қўшимчасини олишдаги ПКАН-55 полиэлектролит миқдорининг цемент тоши мустаҳкамлигига таъсирлари ўрганилди. Олинган натижалар қуйидаги 6-жадвалда келтирилди.

**МК-Ф полифункционал қўшимчасини олишдаги ПКАН-55 миқдорини цемент
мустаҳкамлигига таъсирлари**

№	Цемент			Сув/цем.	33 та силкитганда ёйилиши, мм	Эгилишдаги мустаҳкамлик		Сиқилишдаги мустаҳкамлик	
	Клинкер, %	Гипс, %	МК-Ф олишдаги полиэлектролит миқдори (МК га нисбатан)			7 кунлик, МПа	28 кунлик, МПа	7 кунлик, МПа	28 кунлик, МПа
Бекобод цемент заводи клинкери									
1.	97	3	-	0,4	107	4,9	6,1	29,7	42,5
2.	82	3	15	0,20	108	7,5	8,9	42,7	59,05
3.	77	3	20	0,19	109	7,8	9	48	63,04
Охонгарон цемент заводи клинкери									
1.	97	3	-	0,4	107	5,02	6,4	33,1	50,08
2.	82	3	15	0,20	108	7,8	9,02	49,8	64,09
3.	77	3	20	0,19	109	8,2	9,4	61,8	68,00
Қизиқум цемент заводи клинкери									
1.	97	3	-	0,4	107	4,9	6,1	29,4	45,0
2.	82	3	15	0,31	108	7,5	8,9	42,7	59,05
3.	77	3	20	0,20	109	7,9	9,1	51,8	62,02

* Ҳар бир намунага МК-Ф 10% миқдорда қўшилган.

Тадқиқотларда бир нечта маҳаллий заводлар томонидан ишлаб чиқариладиган клинкерлардан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари таҳлил қилинганда, барча клинкерлардан фойдаланганда ҳам МК-Ф олиш жараёнида полиэлектролит миқдори МК га нисбатан 20% бўлганда юқори натижадорликка эришилиши кузатилди. Аммо полиэлектролит миқдори 20% да ортганда мустаҳкамлик кўрсаткичлари сезиларли даражада ортмаган ва маҳсулот тан нархини ортишига олиб келади. Ундан ташқари модификацияланган цементдан цемент хаамири тайёрлашда сувга бўлган талабчанликни ҳам камайтирмоқда. Демак, цемент таркибидаги полифункционал қўшимча цемент системасининг сувга бўлган эҳтиёжига таъсир кўрсатади, уни пасайтиради.

Диссертациянинг «Кул-шлак чиқиндилари асосида алюмосиликат микросфераларини олиш ва цемент тизимларида қўллаш асослари» деб номланган бешинчи бобида кўмир ёқилғиси билан ишлайдиган иссиқлик электр станциялари кул-шлак чиқиндиларини атроф муҳитга таъсирларини камайтириш ва ушбу чиқиндилардан мақсадли фойдаланиш усуллари, улардан турли хомашёлар олиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти базасида техноген чиқинди ҳисобланган кул-шлак чиқиндиларидан ишлаб чиқарилган алюмосиликат микросфераларини турли қурилиш қоришмаларида фойдаланилди. Энг юқори мустаҳкамлик алюмосиликат микросфералар билан тўлдирилган композитларда аниқланган бўлиб, уларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги $R_{сик}=4,02$ МПа, сувга чидамлилиги эса $K_{разм}=0,72$ ни намоён қилди (7-жадвал).

7-жадвал

Қоришма композитларининг хусусиятлари

Тўлдирувчи	Сув-оҳак миқдори нисбати (С/О)	Ўртача зичлик, кг/м ³	Сиқилишдаги мустаҳкамлик 7/28 сут, МПа	$K_{разм}$
Назорат намунаси (қўшимчасиз)	0,96	1010	3,60/4,80	0,72
Алюмосиликат микросфераси	1,05	600	3,35/4,02	0,72
Ғоваклаштирилган вермикулит қуми	2,0	630	1,85/2,05	0,62
Ғоваклаштирилган перлит қуми	1,92	780	2,40/2,90	0,65


Микросфералар қўлланилганда, материалнинг мустаҳкамлигига таъсир қилувчи ортиқча сув талаб қилинмайди. Бу микросфераларнинг ёпик кўпикли сферик тузилмаси сувни сингдирмайдиган хусусиятга эга бўлгани туфайли юзага келади, бу материалнинг мустаҳкамлиги пасайишига таъсир кўрсатмайди.

